SN38021506

# ШАРТНОМА № 08

2022 йил 10 январь Наманган шаҳри.

Амалдаги Низом асосида **"IKROMJON NONLARI" масъулияти чекланган жамияти** номидан иш юритувчи - жамият раҳбари **И.Алиев** (кейинги ўринларда «Етказиб берувчи») бир томондан ва амалдаги Низом асосида **Давлатобод туман Тиббиёт бирлашмаси** номидан иш юритувчи - бирлашма раҳбари **Н.М.Турсунова** (кейинги ўринларда «Сотиб олувчи») иккинчи томонидан (кейинги ўринларда «Тарафлар») мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Етказиб берувчи» мазкур шартнома бўйича «Сотиб олувчи»га ўзаро келишилган миқдорда, ассортиментда, сифатда ва муддатда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган ҳолда **озиқ-овкат маҳсулотлари (кейинги ўринларда «товар» деб юритилади)**ни етказиб беради. «Сотиб олувчи»га эса етказиб бериладиган товарлар учун шартномада белгиланган тартибда ва муддатда олинган тўловни амалга оширади. Етказиб бериладиган товарлар номи ва миқдори қуйидагича:

| **№** | **Маҳсулот номи** | **Ўлчов бирлиги** | **Миқдори** | **Баҳоси** | **Суммаси** | **ҚҚС суммаси** | **Етказиб бериш ҚҚС билан баҳоси** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **1** | Колипли нон | сум | 1200 | 1750 | 2 100 000 | 0 | 2 100 000 |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |
| | **ЖАМИ** | | | | **2100000** | | **2 100000** |

## II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **2 100 000 (Икки миллион бир юз минг) сўм**ни ташкил этади.

2.2. «Сотиб олувчи» олинадиган товарлар учун амалдаги қонунчиликда кўрсатиладиган, яъни 30 % аванс тўловини олдиндан «Етказиб берувчи»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. «Сотиб олувчи» товарлар қабул қилиб олингач, тақдим этилган хужжатларга асосан 30 (ўттиз) кундан ортиқ бўлмаган муддатда узил-кесил ҳисоб-китобни амалга оширади.

2.4. «Сотиб олувчи» етказиб берилган товарлар бўйича пул ўтказиш

йўли билан нақд пулсиз шаклда ҳисоб-китобни амалга оширади.

## III. ТАРАФЛАРИНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Сотиб олувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- «Етказиб берувчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
- «Етказиб берувчи»дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртмага мувофиқ тегишли сифатдаги, миқдордаги ва ассортиментдаги товарлар етказиб берилишини талаб қилиш;
- сифати тегишли даражада бўлмаган товарлар етказиб берилган тақдирда уларни худди шу маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни талаб қилиш;
- «Етказиб берувчи» томонидан шартнома шартлари лозим даражада бажарилмаганлиги сабабли кўрилган зарарни қоплашни ва шартнома бекор қилинишини талаб қилиш.

«Сотиб олувчи» қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади.

3.2. «Сотиб олувчи» қуйидаги мажбуриятларни бажаради:

- етказиб берилган товарларни қабул қилишва етказиб берилган товарлар ҳақини шартномада назарда тутилган муддатда, миқдорда ва тартибда тўлаш;
- етказиб берилган товарларни ўз вақтида қабул қилиб олиш;
- шартнома шартларига тўлиқ риоя этиш.

«Сотиб олувчи» қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажаради. Мазкур шартнома бўйича «Етказиб берувчи»нинг муайян ҳуқуқларга эга бўлиши «Сотиб олувчи» зиммасида мазкур ҳуқуқлар бўйича муайян мажбуриятларни юзага келтиради.

3.3. «Етказиб берувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- «Сотиб олувчи»дан шартномани бажариш учун зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиш;
- етказиб берилган товарлар учун ҳак тўланишини ва амалдаги қонун хужжатларда белгиланган тартибда ва хажмда узил-кесил ҳисоб-китоб қилинишини талаб қилиш;
- «Сотиб олувчи» томонидан шартнома шартлари лозим даражада барилмаганлиги сабабли кўрилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

«Етказиб берувчи» қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади.

3.4. «Етказиб берувчи» қуйидаги мажбуриятларни бажаради:

- товарларни мазкур шартномага асосан «Сотиб олувчи» буюртмасига мувофиқ муддатда, сифатда, ассортиментда ва миқдорда етказиб бериш;

- учинчи шахсларнинг ҳар қандай ҳуқуқларидан ҳоли бўлган товарни топшириш;
- шартнома шартларига тўлиқ риоя этиш.

«Етказиб берувчи» қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажаради. Мазкур шартнома бўйича «Сотиб олувчи»нинг муайян ҳуқуқларга эга бўлиши «Етказиб берувчи» зиммасида мазкур ҳуқуқлар бўйича муайян мажбуриятларни юзага келтиради.

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. «Етказиб берувчи» ўзаро келишувга мувофиқ товарларни аванс тўлови тўлангандан сўнг 15 (ўн беш) кун муддат ичида «Сотиб олувчи»га етказиб беради.

4.2 Шартнома мазкур шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, зарур тарзда бажарилиши керак. Агар Тарафлар ўз зиммаларига қабул қилган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартномани бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. «Сотиб олувчи» илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёхуд товарларнинг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга хақли бўлиб, бу ҳақда «Етказиб берувчи»ни буюртмада кўрсатилган сана бошланишидан камида 3 (уч) кун олдин хабардор қилади.

## V. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарларни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда «Етказиб берувчи» «Сотиб олувчи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5 % миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар қийматининг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.2. Етказиб берилган товар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Сотиб олувчи» «Етказиб берувчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 % миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Пенянинг тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган Тарафни шартномани лозим даражада бажаришдан ва товар етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод этмайди.

## VI. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

6.1. Мазкур шартнома «Сотиб олувчи» ва «Етказиб берувчи» томонидан тасдикланиб, ғазначилик бўлинмаларидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

6.2. Тарафлар ўртасида муносабатлар улар томонидан мазкур

SN38021506

шартноманинг барча шартлари бажарилган ва тўловлар тўлиқ амалга оширилган тақдирда тугайди.

## VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар юзага келган тақдирда, Тарафлар мазкур келишмовчиликлар ва низоли масалаларни мустақил равишда судгача хал қилиш чораларини кўрадилар.

7.2. Юзага келган келишмовчиликлар ва низоли масалалар Тарафлар томонидан мустақил равишда ҳал қилинмаган тақдирда Тарафлар судга мурожаат қиладилар.

## VIII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

8.1. Тарафлар форс-мажор ҳолати, яъни томонларга боғлик бўлмаган ҳолатлар (ёнғин, сув тошқини каби енгиб бўлмайдиган кучлар) юз берган тақдирда мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод этилади.

## IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома Тарафларнинг келишувига ёки иккинчи Тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда Тарафлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда амалга оширилган ва Тарафларнинг бунга вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома 2 (икки) нусхада тузилди. Шартноманинг иккала нусхалари тенг юридик кучга эгa.

## X. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

| **«Етказиб берувчи»** | **«Сотиб олувчи»** |
|---|---|
| **"IKROMJON NONLARI" масъулияти чекланган жамияти** | **Давлатобод тумани тиббиёт бирлашмаси** |
| Манзил: Наманган шахар, Галаба куча, 3-уй. | Манзил: Давлатобод туман, 5а-кичик туман, Ғалаба кўчаси, 71-уй.<br>Тел/факс: 69-232-60-45 |
| Х/Р: 20208000900728416001 | Ш/Х: 100022860144017073310054007<br>Марказий банк |
| «Agrobank» АТБ Давлатобод филиали | ИНН: 207330323 МФО-00014<br>Ўзбекистон Республикаси |

МФО: 00259
ИНН: 304652769 ОКЭД 10710

Раҳбар ____________ И.Алиев

М.Ў

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN SHAHAR MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI
IKROMJON NONLARI

Молия вазирлиги ғазначилик

SN38021506

бўлимии
Ғазна Х/Р:23402000300100001010

Банк: Марказий банк ХККМ Тошкент
бўлими. МФО: 00014
Ғазна Бўлинмаси ИНН: 201122919

Раҳбар ____________ Н.М.Турсунова

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, ҳужжат коди: HN547166254?

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO`G`RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ SN38021506

**1. Loyihaning turi:** Shartnoma.

**2. Loyihaning nomi:** Davlatobod tuman tibbiyot birlashmasi va "IKROMJON NONLARI" mas'uliyati cheklangan jamiyati o'rtasida mahsulot yetkazib berish to`g`risida.

**3. Loyiha ishlab chiquvchi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:** Davlatobod tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022-yil 29-yanvar kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

**Huquqiy xulosa:** Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni tuzish maqsadga muvofiq.

**Bosh yuriskonsult** B.Maxmudov

2022-yil 31-yanvar

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

YURIDIK SHAHSNI DAVLAT RO'YHATIDAN O'TKAZISH TO'G'RISIDA

# GUVOHNOMA

Reestr № **09406** № 9406

**2017 yil "15" fevral**

Mazkur guvohnoma ***"IKROMJON NONLARI"***

yuridik shaxsga berildi.

| | |
|---|---|
| Tashkiliy-huquqiy shakli: *Mas'uliyati cheklangan jamiyat* | TShShT (ОПФ) 152 |
| Mulkchilik shakli: *Jamoa* | MShShT (ФС) 142 |
| Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili: ***Namangan shahar*** ***5-kichik tuman, "Yashil dehqon" bozori*** | MHOBT (СОАТО) 1714401 |
| Yuridik shaxs kodi: | KTUT (ОКПО) 20003490 |
| Soliq to'lovchining identifikasiya raqami: | STIR (ИНН) 304652769 |

Qo'shimcha ma'lumotlar:

Vakolatli organ boshlig'i: ***N.Ubaydullaev***

GUVOHNOMANI QALBAKILASHTIRISH QONUN TOMONIDAN TA'QIB QILINADI

**МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

Наманганский областной Центр санитарной-эпидемиологической благополучии

*(название учреждения, выдавшего санитарно-эпидемиологическое заключение)*

UZ.AMT.07.MAI.620. от 26.04.2016 года.

*(год и число полученного свидетельства об аккредитации)*

# САНИТАРНО-ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКОЕ ЗАКЛЮЧЕНИЕ

№ 249806

от «19» июня 20 20 г. действителен до « » 20 г.

Настоящее заключение выдано: ООО «IKROMJON NONLARI»

*(производителю, отправителю, получателю, поставщику)*

СанПиН РУз 0214-06 п. п.11.31, МУ 880-71

Заявка Акт отбора образцов от 10.06.2020 г.

*(нормативные документы или обосновывающие документы на производимую, ввозимую продукцию)*

На производимую (ввозимую) продукцию: Технологическое оборудование для производства хлеба (миграция из форма алюминиевое)

*(наименование и количество продукции)*

Согласно: На основании протоколов испытании санитарно-гигиенической лаборатории от 18.06.2020 года от № 448 показатели в данном виде оборудовании СанПиН 0214-06 п.11.31, 11.4, МУ 880-71.

*(результаты и протоколы лабораторных исследований)*

**СООТВЕТСТВУЕТ** требованиям санитарных норм и правил.

Получатель заключения: ООО «IKROMJON NONLARI»

*(название и юридический адрес)*

Р. Узбекистан, Наманганская обл. г. Наманган, микр. 5А

*(юридический адрес поставщика или адрес производителя)*

Область применения и назначения: Технологическое оборудование

Необходимые условия использования, хранения, транспортировки и меры безопасности: Согласно требованиям Санитарно-гигиенических норм и правил.

Особые отметки: Копия данного заключения действительна при заверении подписью и печатью органа выдавшего заключения, заверении нотариусом или держателем подлинника.

М.П. Р. Хамракулов

*(Ф.И.О. и подпись руководителя учреждения, выдавшего санитарно-эпидемиологическое заключение)*

от 19 » июня 20 г.20

---

**МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

Наманганский областной Центр санитарной-эпидемиологической благополучии

*(название учреждения, выдавшего санитарно-эпидемиологическое заключение)*

UZ.AMT.07.MAI.620. от 26.04.2016 года.

*(год и число полученного свидетельства об аккредитации)*

# САНИТАРНО-ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКОЕ ЗАКЛЮЧЕНИЕ

№ 249805

от «19» июня 20 20 г. действителен до «19» июня 20 23 г.

Настоящее заключение выдано: ООО «IKROMJON NONLARI»

Тех. Регламент MTR.008-2017 г. СанПиН 0366-19. п 4.7, 3.23.

Заявка на Акт отбора образцов от 16.06.2020 г.

*(нормативные документы или обосновывающие документы на производимую, ввозимую продукцию)*

На производимую (ввозимую) продукцию: Хлеб из пшеничной муки первого сорта

*(наименование и количество продукции)*

Булочка из пшеничной муки первого сорта

Серийное производство.

Согласно: На основании протоколов испытании санитарно-гигиенической лаборатории от 18.06.2020 года № 446-447 и радиологической лаборатории № 162-163 от 18.06.2020 года санитарно-гигиенические показатели токсичные элементы, пестициды, микротоксины и радиологические показатели в данном виде продукции СанПиН РУз 0366-19. п. 4.7.

*(результаты и протоколы лабораторных исследований)*

**СООТВЕТСТВУЕТ** требованиям санитарных норм и правил.

Получатель заключения: ООО «IKROMJON NONLARI»

*(название и юридический адрес)*

Р. Узбекистан, Наманганская обл. г. Наманган, микр. 5А

*(юридический адрес поставщика или адрес производителя)*

Область применения и назначения: Пищевые продукты.

Необходимые условия использования, хранения, транспортировки и меры безопасности: Согласно требованиям Санитарно-гигиенических норм и правил.

Особые отметки: Копия данного заключения действительна при заверении подписью и печатью органа, выдавшего сертификат, заверении нотариусом или держателем подлинника.

М.П. Р. Хамракулов

*(Ф.И.О. и подпись руководителя учреждения, выдавшего санитарно-эпидемиологическое заключение)*

от 19 » июня 20 20